

**МЕҲНАТГА ОИД МУНОСАБАТЛАРДА ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАР  
ХУҚУҚЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ**

*Инагамова Мафура Мухтархановна*

*Тошкент давлат транспорт университети доценти, (PhD), доцент*

*Юлчиева Ранохон Абдумухторовна*

*Тошкент темир йўл техникуми ўқувчиси*

Янги Ўзбекистоннинг замонавий аёли – мамлакат ва жамият ҳаётида муҳим қарорлар қабул қилишга қодир, илм-фан, таълим, тадбиркорлик каби бир қатор соҳаларда фаол хизмат қилаётган ва ижобий натижаларга эришаётган шахсdir.

Юртимизда сўнгги вақтларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари айниқса аёллар ҳуқуқлари ва ҳимояси олий қадрият даражасига олиб чиқишига қаратилган катта ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Бош Қонунимиз янгидан ишлаб чиқилди, бунинг натижасида янги меҳнат қонунчилигига кўра хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташыари, аёллар ҳуқуқларига тааллуқли бўлган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужҷжатлар яъни, «Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги, «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қонун ва қарорлар шулар жумласидан.

Шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг вазифалари қайта кўриб чиқилди, туман (шахар) хотин-қизлар қўмиталари тузилмасида хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг худудий бўлинмалари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилди.

Яна бир муҳим ҳужҷат яъни, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси меҳнатга оид муносабатларда аёллар ҳуқуқларининг чинакам ҳимоячиси десак муболага бўлмайди.

Меҳнат кодекснинг 19 та моддасида аёллар билан боғлиқ меҳнат муносабатлари ифодаланган бўлиб, аёлларнинг ва оилавий вазифаларни бажариш

билин машғул шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига ҳос хусусиятлари деб номланган ва аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чоралар ишлаб чикарилган. Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятнинг барча соҳаларидағи фаолиятларига янгича ёндашилиб, уларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликлари норматив-ҳуқуқий хужжатларда мустаҳкамаланди.

Мамлакатимиз қонунчилигига мувофиқ, аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги хақида сўз боради. Аёлларга таълим олишда, касбий тайёрлашда, бандлигини таъминлашда, меҳнат учун рағбатлантиришда ва хизмат юзасидан кўтарилишда тенг ҳуқуқли имкониятлар яратилади.

Шундай бўлса ҳам, аёлларнинг физиологик ҳолатларига кўра уларга айрим ноқулай шароитларда ва соғлиққа зиён келтириши мумкин бўлган ишларда эркаклар билан бир хил ишни бажара олмайди.

Аёл организми ўзига ҳос физиологик хусусиятга эга бўлганлиги туфайли оғир жисмоний меҳнатга, айрим заарали (ўта иссиқ ва ўта совуқ жойларда ишлаш, ўзидан заарали моддалар чиқарадиган корхоналарда фаолият кўрсатиш в.х.к) моддаларга таъсирчандир. Бу заарали омиллар таъсири улар организмининг ҳомиладорлик вақтида салбий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Яъни, ногирон бола туғилиши, генетик асоратлар (токсикоз, бола тушиб қолиш, ўлик туғилиш ва бошқа) бола туғиш функциясининг бузилиши (бола кўрмаслик), авлоддаги ўзгаришларга (болани эрта туғилиши, ногиронлик) сабаб бўлиши мумкин.

Аёллар меҳнатини муҳофаза қилишда жуда кўп муаммолар бўлиб, унинг биологик ва ижтимоий аҳамияти муҳимдир. Шунинг учун аёллар меҳнати (Меҳнат кодексининг 392-410-моддалар) бир нечта моддаларида ҳимояланади. Аёлларга меҳнат шароити ноқулай бўлган, шунингдек ер ости ишларида (жисмоний куч талаб қилмайдиган ишлар ёки санитария ва майший хизмат кўрсатиш ишлари бундан мустасно) ишлашлари ёки улар учун мумкин бўлмаган меъёрдан ортиқ юк кўтаришлар ва ташишлар маън этилади (Меҳнат кодексининг 393-модда).

Аёлларнинг физиологик ҳолатларидан энг муҳими бу –ҳомиладорлик ҳисобланади. Шу сабали мамлакатимизнинг Бош қомусида, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси, Жиноят кодексларида аёллар айниқса ҳомиладор аёллар ҳуқуқлари ва манфаатлари кучайтирилган ва муҳофаза қилиниши тартибга солинган.

Шу ўринда меҳнатга оид муносабатларда хусусан, Меҳнат кодексида ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилишга йўл қўйилмаслиги, шунингдек корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳолларида ҳам

мехнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилиниши ҳамда аёлларни ишга жойлаштиришни маҳаллий меҳнат органи уларни ишга жойлаштириш даврида қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминлаган ҳолда амалга оширилиши аниқ қилиб белгиланган.

Мазкур норманинг узвий давоми сифатида муддати тугаганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам иш берувчи ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни ишга жойлаштириши шарт қилиб кўрсатилганлиги, бундан ташқари ишга жойлаштириш даврида уларнинг иш ҳақи меҳнат шартномаси тугаган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган ҳолда сақланиб қолиши ҳам ҳомиладор меҳнаткашларга яратилган имкониятлардан бири ҳисобланади.

Яна бир муҳим масала ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга ишга қабул қилинганда дастлабки синов муддати белгиланмаслиги, уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассаса ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддатининг мавжудлиги ҳамда иш вақтининг қисқартирилган муддати чоғида уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассаса ва ташкилотларда ишлаётган аёллар меҳнатига ҳақ ҳар кунги тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланиши, мамлакатимизда меҳнаткаш аёлларнинг хуқуқлари таъминланаётганлигидан дарак бермоқда.

Юртимизда меҳнатга оид муносабатларда хотин-қизлар хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, унинг ижро механизми босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бироқ айrim ҳолатларда айниқса, таълим, тиббиёт, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва шу каби жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган давлат органларида фаолият кўрсатаётган аёллар ўз хизмат фаолиятларида турли сунъий тўсиқларга дуч келаётганликлари ҳолатлари баъзан учраб турмоқда.

Бу каби ҳолатларни олдини олиш ва унга қарши курашишда давлат органлари раҳбарларининг меҳнатга оид муносабатларидаги хуқуқ ва мажбуриятларини ўргатиш ва янги қонунчиликдаги нормаларни тўғри қўллаш амалиётини жорий этиш ўзининг ижобий самарасини беради деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, аёллар айниқса ҳомиладор аёллар масаласида қонунчилик нормаларини тўғри қўллаш ва бу тоифа аёлларга имконият яратиш келажак авлоднинг саломатлиги ва келажагига катта таъсир кўрсатади.